

МАЪНАВИЙ ТАҲДИД – ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ КЕЛАЖАГИГА ТАҲДИД

*Хусанов Обиджон Умиджон ўғли,
Фаргона давлат университети талабаси*

Бугунги кунда ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнида ота-оналар, устозлар, бутун жамият биргаликда ҳаракат қилишлари лозим бўлади. Афсуски, кўпинча ота-оналар бу устозларнинг иши, дея лоқайд бўладилар. Улар, бола тарбияси издан чиқиб, жиноят содир қилгандагина, нега шундай бўлди, кимлар уни йўлдан урди, деб яна айбни бошқалардан қидира бошлайдилар.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга етиш, эски мафкуравий асоратлардан батамом холос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг ҳуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкурани шакллантиришни тақозо этмоқда”.

Айниқса, ёшлар атроф-муҳитдаги салбий ҳолатлар таъсирида жиноят қилишга мойил бўлиб борадилар. Ўғирлик, босқинчилик ва чайқовчилик билан шуғулланаётган кишилар орасида баъзан талабалар ва мактаб ўқувчиларининг учраб туриши ачинарли ҳол, албатта. Маълумки, ислом таълимотида ҳаром ҳамда ҳалол тушунчалари мавжуд бўлиб, ғийбат, зино, порахўрлик ва ичкиликбозлик каби иллатлар қораланган. Шундай бўлишига қарамасдан, ёшлар орасида ичкиликбозлик, гиёҳвандликка мойил ёшлар ҳам бор. Гиёҳвандлик домига тушиб қолган ёшлар ҳар қандай ваҳшийликлардан ҳам қайтмайдилар. Бунинг натижасида жамиятда турли жиноятлар содир бўлади. Уларнинг оиласида тинчлик ва фаровонлик йўқолади. Бундай ҳолатлар олдини олиш учун, аввало, ёшларнинг бўш вақтларида нималар билан машғул бўлаётганликларига, қандай фикр-ўй ва ҳаёллар билан яшаётганликларига, уларни нималар қизиқтиришига ва улар кимлар билан алоқа қилаётганликларига жиддий эътибор бериш лозим.

Маънавий таҳдидлардан яна бири одамларнинг диний мутаассиб оқимлар таъсирига тушиб қолишидир. Диний экстремистик гуруҳлар ўз мақсадларига етишишлари учун нега ёш йигит ва қизларни танлайдилар, уларни бундай ишлардан кўзлаган асосий мақсадлари нима, натижада нимага эришмоқчилар каби саволларга ёшларимиз аниқ жавобларни билишлари керак бўлади.

Ҳозирги кунда дунё халқлари учун катта таҳдидлардан бири ОИТС (Орттирилган иммун танқислиги синдроми) касаллиги – ўта хавфли вирус қўзғатувчи касаллик бўлиб, бу касаллик натижасида инсоннинг умри қисқариб, охири ўлим билан тугайди. “ОИТС организмга жинсий алоқа, парентерал муолажалар (ностерил игна, шприц ва бошқа тиббий анжомлар ишлатилганда), инфисирланган қон ва унинг ўрнини босувчи дориларни қўллаш, аъзо ва тўқималарни кўчириб ўтказиш (трансплантасия) вақтида, шунингдек, вирусни юктириб олган онадан ҳомилага ҳомиладорлик даврида, туғиш жараёнида ва гўдак эмизиладиган бўлса, кўкрак сути билан юкиб қолиши мумкин”.

Ёшларнинг келажагига салбий таъсир этувчи бундай касалликлардан ҳимоялаш учун улар онгида оилага, Ватанга бўлган муҳаббатни шакллантириш, бу тушунчаларнинг нечоғлик муқаддас эканлигини англаштириш ва улар онгини бунёдкор ғоялар билан бойитиш зарур.

Бизга маълумки, ғоялар икки гуруҳга бўлиниб, бунёдкор ғоялар инсонни улуғлаб, эзгу ишлар қилишга, она юрти, халқи, оиласи учун фидоий инсон бўлишга ундайди. Масалан, ватанпарварлик, озодлик, мустақиллик, диний бағрикенглик, эзгулик ва шу кабилар. Вайронкор ғоялар эса инсонни тубан фикрлашга, уни йўлдан оздиришга, халқлар ўртасига низо солишга ҳамда ёшлар



дунёқарашини салбий ғоялар билан бузишга қаратилган бўлади. Масалан, ёвузлик, шовинизм, босқинчилик, тажовузкорлик ва ҳақозорлар? Тан олиш керакки, дунёда сон жиҳатидан олинса, мутлоқ ёвуз одамлар жуда камчиликни ташкил қилади. Шундай экан, қандай қилиб жуда озчилик бўлган бу тоифа баъзан миллионлаб инсонлар устидан ўз ҳукмини юргиза бошлайди? Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир” китобида мазкур масалалар атрофлича ёритилган бўлиб, жумладан, “оммавий маданият” ҳодисаси ҳақида ҳам батафсил маълумот берилган.

“Оммавий маданият” ходисаси асосида бир неча омилларнинг чатишуви ётади. Улардан биринчиси - имонсизлик, ўз инсоний бурчи ва масъулиятини тан олишни истамаслик, бефарқлик ва лоқайдлик. Иккинчиси - санаб ўтилган қусурларни оқлашга хизмат қилувчи “дунёни манфаат бошқаради” (демак, бу дунёда ҳар ким ўз фойдаси учун қўлидан келган ҳаракатини қилса, бўлаверади, деган) даҳриёна (аниқроғи, худбинона) тезис (“қоида”) асосида яшаш. Бу икки омил азалдан бўлган. Учинчиси – олдингиларидан келиб чиқадиган ахлоқий релятивизм, яъни дунёда азалий ва абадий қатъий ахлоқий меъёрлар мавжуд эмас, кўпчилик ўзини қандай тутаётган бўлса, биз ҳам шунга қараб кетаверамиз, деган ўйсизлик, фикрий дангасалик тамойили. Ва ниҳоят тўртинчиси - бефарқлик ва ўйсизлик ботқоғига ботган кимсаларнинг дунёни бошқаришга интилаётган кичик бир гуруҳ қўлида кўғирчоққа айланиб, ўзларининг энг тубан ҳайвоний хоҳиш ва истакларини очикдан-очик намоён қилишни “умуминсоний ахлоқий меъёрлар” даражасига кўтаришга уринишларидир.

Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгосентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. **Мирзиёев Ш. М.** Bilimli avlod – buyuk kelajakning, tadbirkor xalq – farovon hayotning, do‘stona hamkorlik esa taraqqiyotning kafolatidir [Матн] Prezident Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 26 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi ma’ruzasi

2. Одилжон Жалолидинович Дадабаев. [Эффективность оптимизации планирования подготовки юных спортсменов по спортивным единоборствам.](#) Актуальные проблемы совершенствования системы непрерывного физкультурного образования: Материалы IV международной научно-практической конференции. Грозный, 24 сентября 2020 года.

3. О.Ж. Дадабаев. [Особенности развития специальной выносливости дзюдоистов.](#) XIX научно-практическая конференция, посвящённая памяти профессора Е.М. Чумакова. 2020/2. 91.

4. О.Ж. Дадабаев. [Применение специальной физической подготовки в учебно-тренировочном процессе дзюдоистов.](#) Научно-исследовательский институт физической культуры и спорта. 2020. 15-17.

5. О.Ж. Дадабаев. [Планирование общей и специальной физической подготовки в годичном цикле тренировочного процесса в дзюдо](#). Academic research in educational sciences. 2021. 302-308.
6. О.Ж. Дадабаев. [Общая и специальная физическая подготовка в годичном цикле тренировочного процесса в дзюдо](#). Актуальные проблемы физической культуры и спорта в современных социально-экономических условиях. 2023. 37-41
7. Odiljon Zhalolidinovich Dadabaev. Methodology For Detecting Level Of Student Satisfaction With Quality Of Educational Process. 2022/12/23. 60-63.
8. Одилжон Дадабаев. Modeling of the educational and training process and competitive activity of young judoists. O'zbekiston milliy universiteti xabarлари, 2021, [1/6/1] issn 2181-7324
9. О.Ж. Дадабаев. [МЕТОДИКА ПОВЫШЕНИЕ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВЛЕННОСТИ ЮНЫХ ДЗЮДОИСТОВ](#). Academic research in educational sciences. 2021. 1199-1205
10. О.Ж. Дадабаев. [Обоснование эффективных средств юных дзюдоистов на этапе начальной спортивной специализации foundation of effective means of young judo wrestlers at the preliminary-training stage](#). ББК 75.1 А-43 Ответственный редактор. 2023. 37-41.
11. О.Ж. Дадабаев. [ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ДЗЮДОЧИЛАРДА ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ ЖАРАЁНИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ](#). Научно-исследовательский институт физической культуры и спорта. 2020. 20-23
12. О.Ж. Дадабаев. [НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ МОРФОФУНКЦИОНАЛЬНЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ОРГАНИЗМА ЮНЫХ ДЗЮДОИСТОВ В ПРОЦЕССЕ ПЛАНИРОВАНИЯ ТРЕНИРОВОЧНОГО ПРОЦЕССА](#). Боевые искусства и спортивные единоборства: наука, практика, воспитание. 2019. 116-121
13. O.Erkaboyev, O. G'aniyev. [Globallashuv sharoitida yoshlarning "ommaviy madaniyat" tahdidiga qarshi kurashi](#). international conference dedicated to the role and importance of innovative education in the 21st century. 2022.12.25
14. O.Erkaboyev, I. Mamatqulov. Ma'naviy tahdid - yosh avlod kelajagiga tahdid. international conference dedicated to the role and importance of innovative education in the 21st century. 2022.12.25
15. O.Erkaboyev, G.Qurbonova. [Ichkilikbozlik, kashandalik va giyohvandlik yoshlarning aqliy va jismoniy kamoloti kushandasi](#). PEDAGOG, 2023. 62-63
16. O.Erkaboyev, D.Tursunova. [Aqliy tarbiyasini shakllantirishda sharq allomalari qarashlaridan foydalanish](#) . PEDAGOG, 2023. 59-61
17. Erkaboyev.O.M. [Armiya safida xizmat qilishga tayyorlash bosqichida jismoniy tarbiyaning ijtimoiy mohiyati](#). Ta'lim fidoyilari-2022. № 3. С. 138-141

18. O.M. Эркабоев. [Жисмоний тарбия ва Чақирувга кадар бошланғич тайёргарлик фанлари бўйича тажриба дастурини тузиш тамойиллари](#). Ta'lim fidoyilari-2022. № 13. С. 4-8
19. О. Эркабоев. [Физическое воспитание и спорт в допризывной подготовке](#). Ta'lim fidoyilari, 2022. 70-74
20. O.Erkaboyev. [O'smirlarni armiya safida xizmat qilishga tayyorlash bosqichida jismoniy tarbiya va chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik integratsiyasi](#). Ta'lim fidoyilari, 2022. 73-79
21. O.M. Эркабоев. [Наука в системе высших школ Республики Узбекистан](#). Архивариус. с 24-27
22. O.Erkaboyev. [Determination of the physical status of secondary school students through sociological research](#). Berlin Studies Transnational Journal of Science and 2022. 1-5
23. O.Erkaboyev, ME Abdujannonovich . [YOSHLAR ONGIDA MILLIY MAFKURAVIY IMMUNITETNI SHAKLLANTIRISHDA MA'NAVIYAT VA QADRIYATLARNING O'RNI](#). TADQI QOTLAR, 2023/4/4. 40-43